

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Геология ва кончилик факультети

**5311500 - «Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим
йўналиши**

“Кончилик иши ва геодезия” кафедраси

*Қарши туманидаги «Истикбол» массиви ҳудудидаги ер участкаларига
бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ер ҳисобини юритиш мавзусида
бажариладиган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИни бажарувчи:

Шаропов Рустам

БМИ раҳбари

Бозоров Махмуд Муминович

Маслаҳатчи

Аралов Музаффар Муҳаммадиевич

«Ҳимояга рухсат этилди»

*«Ҳимоя учун ДАК га
юборилди» факультет декани
_____доц.М.И.Раҳматов
« ____ » _____ 2016 й.*

**Кафедра
мудури _____**

*қ.х.ф.н.Ғ.Алиқулов
« ____ » _____ 2016 й.*

Қарши 2016

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Геология ва кончилик факультети

«Кончилик иши ва геодезия» кафедраси

«Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим йўналиши

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

қ.х.ф.н. Ғ.Алиқулов

«__» _____ 2016 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Шаропов Р

(Фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси *Карши туманидаги «Истикбол» массиви худудидagi ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ер ҳисобини юритиш*

«__» _____ 20__ й _____ сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати «__» _____ 20__ й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Массив тўғрисида умумий маълумот. Массивдаги ер турларининг амалдаги жойлашув тархи. Ердан фойдаланувчиларнинг амалдаги жойлашув тархи.

«Истикбол» массивида ер участкаларини рўйхатга олиш ҳолати тўғрисида маълумотлар.

4. Ҳисоблаш - тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

1-БОВ. «Истикбол» массиви тўғрисида умумий маълумотлар

2-БОВ. Ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг услубий масалалари

3-БОВ. «Истикбол» массивида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш натижалари.

Хулоса. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Иловалар

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1) «Истикбол» массивида ер ва экин турларининг жойлашув тархи

2) Массив ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш харитаси

3) Ер участкаларини рўйхатга олиш намуналари (шакллар)

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар ф.и.ш	Имзо, сана
1			
2			

7. Битирув ишини бажариш режаси.

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати				Текширувда н ўтганлик муддати, имзо
		Сана	куни	%	жами	
1.	<i>Ишчи дастурни тузиш ва кириш қисмини ёзиш</i>	01.04	1	1.6	1.6	
2.	<i>«1-БОБ. «Истикбол» массиви тўғрисида умумий маълумотлар» ни ёзиш</i>	2-4.04	2	3.2	4.8	
3.	<i>«Истикбол» массивида ер ва экин турларининг жойлашув тархини чизиш</i>	5-9.04	5	8.2	13.0	
4.	<i>«2-БОБ. Ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг услубий масалалари» ни ёзиш</i>	11-13.04	3	4.9	17.8	
5.	<i>3-БОБ. «Истикбол» массивида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш натижалари.</i>	14-16.04	3	4.9	22.6	
6.	<i>Кадастр рақамларини шакллантириш ҳаритасини чизиш</i>	18.04-04.05	15	21.7	44.3	
7.	<i>Массив ер ҳисобини юритиш харитаси</i>	5-29.05	22	36.2	80.5	
8.	<i>Малакавий битирув ишига хулоса ёзиш</i>	30-31.05	2	3.2	83.7	
9.	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш</i>	1-2.06	2	3.2	86.9	
10.	<i>Иловаларни тайёрлаш</i>	3-4.06	2	3.2	90.3	
11.	<i>Малакавий битирув ишини расмийлаштириш ва</i>	5.06	1	1.6	91.9	
12.	<i>Химояга тайёргарлик кўриш</i>	6-10.06	5	8.1	100.0	
	Жами		61	100		

Топшириқни бажаришга олдим

Р.Шаропов
(фамилияси, исми, шарифи, имзо)

Битирув иши раҳбари

М.Бозоров
(фамилияси, исми, шарифи, имзо)

Топшириқ бажарилган сана _____ 2016 йил

МУНДАРИЖА

т/р.	Малакавий битирув ишининг таркибий қисмлари	Бетлар
1.	Топшириқ ва тақвимий режа	
2.	Ишчи дастур	
3.	Кириш	
4.	1-БОБ. «Истикбол» массиви тўғрисида умумий маълумотлар	
5.	2-БОБ. Ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг услубий масалалари	
6.	3-БОБ. «Истикбол» массивида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш натижалари	
7.	Хулоса	
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9.	Иловалар	

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Геология ва кончилик факультети

«Кончилик иши ва геодезия» кафедраси

**«Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура
таълим йўналиши**

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

_____ қ.х.ф.н. Ғ.Алиқулов
“ ____ ” _____ 2016 йил

*Қарши туманидаги «Истикбол» массиви ҳудудидаги ер участкаларига бўлган
ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ер ҳисобини юритиш мавзусида бажариладиган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Д А С Т У Р И

БМИ ни бажарувчи

Р.Шаропов

Раҳбар

доц. М.Бозоров

Кириш

1. Бозор ислохотлари шароитида ер участкаларини рўйхатга олиш ишларининг мақсади ва вазифалари.
2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланувчи субъектлар ер майдонлари ҳисобини юритиш ва уларга кадастр рақамларини белгилашнинг аҳамияти.
3. Битирув малакавий ишининг мақсади, объекти, ҳажми ва таркиби.

1-БОБ. «Истикбол» массиви тўғрисида умумий маълумотлар

1.1 Карши тумани халқ хўжалиги

1.2. «Истикбол» массивининг иқлими ва тупроқлари

1.3 Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари

1.4 Ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик фаолиятини таҳлили

1.5 «Истикбол» массиви ерларини баҳолаш ҳолати.

2-БОБ. Ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантиришнинг услубий масалалари

2.1 Давлат ер кадастрининг турлари, тамойиллари ва ҳужжатлари

2.2 Ер ҳисобини юритишда давлат назоратини ташкил этиш

2.3 Кадастр рақамларини шакллантириш тартиби

3-БОБ. «Истикбол» массивида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш натижалари

3.1 «Истикбол» массивида ерларни юклама қилиш.

3.2 «Истикбол» массивида суғориладиган ерларни ҳисобини юритиш..

3.3 «Истикбол» массиви ҳудудида кадастр рақамларини шакллантириш

3.4 Транспортдан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ер кадастрини таркибий қисми бўлган ер ҳисоби ишларини бажариш ва ер участкаларига кадастр рақамини беришдан асосий мақсад мавжуд ер ресурслари тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишдир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ерларни ер участкалари мулкдорларига ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш массив фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир. Давлат ер ҳисоби муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг маълумотларидан иқтисодиёт тармоқларининг турлитуман масалаларни ҳал қилишда, жумладан ер солиғи, ер майдонларига ижара ҳақи миқдорларини белгилашда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштиришда, ер тузишда ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Ер ҳисоби ишларнинг натижалари халқ хўжалигини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва унга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир. Ер ҳисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Энг биринчи галда ер ҳисоби жуда аниқ бўлиши зарур. Бунинг учун ер

ҳисобини ер тоифаларига, жамоа, ширкат, фермер хўжаликларига, ер турларига, жумладан, ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқаларга бўлинган ҳолда олиб бориш талаб қилинади. Ушбу битирув малакавий ишда *«Истикбол»* массиви ҳудудидаги ер ресурслари тўғрисидаги турли-туман маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математика, статистика, геодезия, фотограмметрия ва картография услубларидан фойдаланилди.

Шу нуқтаи назардан ҳам ер ҳисоботини доимий юритиб бориш, унда мавжуд ерлар кимга тегишлилиги, ундан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисида маълумотлар тўплаб бориш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ер ҳисоботи (баланси) ер ҳисоби асосида тузилади. Мавзуга оид тузилган ишчи дастурга асосан битирув малакавий ишида *«Истикбол»* массиви ҳудудида жойлашган барча ердан фойдаланувчи-ларнинг ер участкаларини рўйхатга олиш ишлари бажарилди. Жумладан, томорқа участкалари, ташкилот, корхона, муассасалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари бўйича ҳар бир ер участкасига Низомга асосан кадастр рақамлари аниқланди.

Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади.

Битирув малакавий ишини бажариш учун Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги *«Истикбол»* массиви ерлари асосий объект қилиб танланди. Ўзлаштирилган назарий билимларни услубий ва амалий жиҳатдан қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун давлат ер ҳисоби ишларини ва кадастр рақамларини шакллантиришни такомиллаштириш масалаларини куриб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган.

Битирув малакавий ишини бажариш учун амалиёт даврида тўпланган материаллар, меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ва объектга оид бошқа манбалардан фойдаланилди. Битирув малакавий иши бет ёзма ва та чизма қисмлардан иборат бўлиб, унинг таркибида топшириқ, тақвимий режа, ишчи дастур, кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалар берилган ҳолда тайёрланди ҳамда расмийлаштирилди.

1-БОБ

«Истикбол» массиви тўғрисида умумий маълумотлар

1.1 Карши тумани халқ хўжалиги

Карши тумани - Тошкент вилоятидаги туманлардан бири бўлиб, унинг худудини асосий қисми Чирчиқ дарёси билан Тошкент канали оралиғида жойлашган. Туман 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Туман худуди шимолий-шарқда Юқори Чирчиқ, шарқда Оҳангарон туманлари, шимолда Тошкент шаҳри ва Зангиота тумани, ғарбда Қуйи Чирчиқ, жанубда Оққўрғон ва Пскент туманлари билан чегарадош.

Ўрта Чирчиқ туманининг умумий майдони 0,51 минг км², ёки 51 минг га ни ташкил этади. Туман аҳолиси 163,4 минг киши бўлиб оилалар сони 36 минг 300 ни ташкил қилади (2010). Туман худудида Тўйтепа шаҳри, Туябўғиз ва Янгиҳаёт шаҳарчалар, қуйидаги 12 қишлоқ фуқаролари йиғини мавжуд: Ангор, Дўстлик, Истиқлол, Навоий, Охунбобоев, Оқота, Уйшун, Пахтакор, Пахтабод, Юнучқала, Янгитурмуш, Ўртасарой, Қорасув. Туман маркази бўлиб Тўйтепа шаҳри ҳисобланади.

Туман худуди Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими кескин континентал ҳисобланади. Қиши совуқ, ёзи иссиқ. Январнинг ўртача температураси 0-4°, энг паст температураси -19°, -20°. Июльъ ойида 28-30°, энг юқори температура эса 41-42° ни ташкил этади. Ўртача йиллик ёғин 450-460 мм. Вегетация даври 300 кун. Туман худудидан Полвонов номидаги Тошкент ва Қорасув каналлари, шимолий-ғарбидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Бир неча йирик коллекторлар мавжуд. Туман жанубида Туябўғиз сув омбори («Тошкент денгизи») жойлашган. Тупроқлари асосан бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шўра, қамиш, юлғун ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, юмронқозик, сувилонлар учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, рус, корейс ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 320,3 киши (2006). Шаҳар аҳолиси 38,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 124,7 минг киши.

Туманда йирик, ўрта бизнес, 125 кичик корхона ва 1143 микрофирмалар фаолият кўрсатади. Ўзбекистон - Корея «Кабул — Тўйтепа ЛТД» ип йигирув — тўкув (қ. «*Кабул текстайлз*»), Ўзбекистон — Германия «Хакипет», «Хусайн Мирзо», қўшма корхоналари фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, металл-конструкциялари, темир-бетон, асфальт-бетон, 2 пахта тозалаш заводлари, Машина трактор парки, тикувчилик фабрикаси, дон қабул қилиш корхонаси бор.

Туман ҳудудида 2006 йилгача 13 массив, ўқув тажриба хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман қишлоқ хўжалиги, асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Тумандаги массив ва шахсий хўжаликларда 32 минг қорамол, шунингдек, 321,7 минг қўй ва эчки, 205,2 минг парранда, 21,7 минг йилқи боқилади (2010). Ўртачирчиқ туманида Республика шоликорлик илмий тадқиқот институти, 74 умумий таълим, болалар санъат, спорт мактаблари, академик лицей, гимназия, 2 касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси, марказий маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғлари, 8 клуб муассасалари бор. 3 стадион, спорт заллари, ўқотиш тирлари, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 3 поликлиника, туғруқхона, дорихона, 20 қишлоқ врачлик пунктлари, 21 фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади.

Ўртачирчиқ тумани автомобиль йўллари орқали Тошкент шаҳар ва бошқа шаҳарлар асфальтланган йўллар орқали боғланган. Туман ҳудудидан Тошкент — Ангрен темир йўли ўтади. Ўрта Чирчиқ туманида жами суғориладиган 28,6 минг га ерга пахта, 11,5 минг га ерга дон, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари, беда экилади.”«Истикбол» ” массиви тумандаги асосий ердан фойдаланувчилардан бири ҳисобланади, шунинг учун қуйида массив тўғрисида маълумотлар берилади.

1.2 «Истикбол» массивининг иқлими ва тупроқлари

“«Истикбол» ” массиви Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг марказий ҳудудида жойлашган, бўлиб у 2007 йил ташкил топган. “«Истикбол» ” массиви фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 72 та бўлиб, уларнинг майдони 1398,0 га дан иборат. Шунингдек, массив ҳудудида 23 та бошқа ердан фойдаланувчилар 151,9 га майдонда фаолият кўрсатади. “«Истикбол» ” массиви шимолда «Янги тўлқин» массив, шимолий шарқда Оҳангарон тумани ерлари билан, жанубдан Пскент тумани ерлари ҳамда шимолий ғарбдан «Ҳақиқат йўли» массив ерлари билан чегарадош ҳисобланади.

Массивнинг асосий ихтисоси пахтачилик ва дончилик ҳисобланади. Ёрдамчи ва қўшимча тармоқларга пиллачилик, чорвачилик ва узумчилик киради. Массив вилоят ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт ётқизилган йўл билан боғланган. Массивдан туман марказигача 15,4 км. Маъмурий – ҳудудий бўлиниши бўйича массив Боёвул, Жаровул, Қозоқовул, Оканай, Уюшин овул ва Тўқиз овул қишлоқлари «Бой овул» фуқаролар йиғинига қарайди.

Ушбу фуқаролар йиғинининг раиси берган маълумотларга қараганда массив ҳудудида 5 та қишлоқ мавжуд бўлиб, улардаги мавжуд 944 хонадонда 4701 киши истиқомат қилади, шу жумладан ишга яроқлилар сони 2904 кишини ташкил этади. Юқоридаги маълумотлар массив тўғрисида умумий тушунча беради. Шу билан бир қаторда массивни келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш учун биринчи навбатда массивнинг табиий шароитлари ўрганиб, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш мавзу бўйича қабул қилинадиган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эгадир.

1.3 Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари

Массив жойлашган туман ва вилоят иқлими континентал иқлим бўлиб, асосий деҳқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжаликларнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулайдир. Кўп йиллик об-ҳавони кузатишлардан маълумки бир йиллик ўртача температура $+13^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Энг иссиқ даврда ҳавонинг ҳарорати $+44^{\circ}\text{C}$ ни, энг совуқ даврда -25°C ни ташкил қилади. Экинларни ўсиш давридаги фойдали ҳарорат 2233°C ни ташкил қилади. Ноябрьнинг иккинчи ярми декабрь, январь, февраль ва мартнинг биринчи ярмида тупроқнинг ҳолати бўйича унга ишлов бериш мумкинлиги аниқланган. Шамол асосан ғарбий-жанубий томондан эсади.

1 -жадвал

Массивнинг иқлим шароитлари

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Ўртача иқлим
Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати.												
-4,6	-1,5	5,6	14,5	21,0	25,3	24,4	24,9	18,8	11,8	4,0	-1,5	12,1
Ўртача ойлик намгарчилик миқдори, мм												
10	9	18	10	6	3	2	1	1	3	7	12	8,1

Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, жанубий ғарбдан шимолий шарққа томон йўналган, массивнинг текислигини асосан мавжуд бўлган турли аралаш тошлар бузади.

Массив ҳудудининг иқлими гидротехник хусусиятларига мос ҳолда бу ерда асосан қуйидаги тупроқлар кенг тарқалган:

- 1.Суғорма ўтлоқи аллювиал тупроқлар :
- 2.Суғорма ўтлок (ботқоқ ўтлоқи) тупроқлар:
- 3.Суғорма ўтлоқи аллювиал тупроқлар:

Массив бўйича ўртача тупроқ бонитети 62 баллни ташкил этади.

1.4 Ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик фаолиятини таҳлили

2010 йил 1 январга нисбатан давлат далолатномасига мувофиқ “«Истикбол» ” массиви чегарасида 2058,0 га ер майдони бўлиб, шундан 151,9 га бегона ердан фойдаланувчилар мажуд. Массив ер фондини ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

“«Истикбол» ” массиви ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши.

Ер турлари	Майдони		
	Гектар	умумий майдонига нисбатан, %	Қ/х ерларига нисбатан, %
1. Ҳайдалма ерлар, жами	1651,4	65,3	89.0
шу жумладан суғориладигани	1645.6		
Лалми	5,8		5.9
2. Дарахтзорлар: жами	110,2	4,4	
Шу жумладан:			
Боғзор	73,0		
Токзор	1,5		
Тутзор	33,6		0.5
Терак	2,1		4.6
3. Бўз ерлар	7,9	0,3	
4. Яйлов ерлар	84,9	3,3	
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	1854,4	73,3	100.0
5. Томорқа ерлар	288,6	11,4	
6. Дала томорқа ерлар	7,7	0,3	
7. Суғориш тармоқлари	150,4	5,9	
8. Йўллар	50,3	1,9	
9. Кўчалар ва майдонлар	59,6	2,3	
10.Иҳота дарахтзорлар	36,2	1,4	
11.Куйдирилган дарахтлар	4,3	0,1	
12.Дарё ва сойлиқлар	4,7	0,1	
13.Бошқа ерлар	70,7	2,7	
Массив ҳудудидаги жами ерлар	2526.9	100,0	

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, “«Истикбол» ” массивининг умумий майдони 2526,9 га, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар жами 1651,4 га ни ташкил этади. Массив кўп йиллик дарахтзорлар жами 110,2 га ни ташкил этади. Шу жумладан: боғлар 73,0 га, токзор 1,5 га, теракзор 2,1 га ва тутзорлар 33,6 га ни ташкил этади. Массивнинг умумий майдонини 55,7 % ни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Массив ҳудудида 109,8 га бегона ердан фойдаланувчилар мавжуд. Ер турлари бўйича бегона ердан фойдаланувчилар ерлари қуйидагича тақсимланган.

3-жадвал

Ўзга ердан фойдаланувчилар рўйхати

т/р	Ўзга ердан фойдаланувчилар	Майдони, га
1	24 темир йўл транспорт йўллари	11,5
2	25 Автомобил йўл транспорт ерлари	10,4
3	37 - Қабристонлар	11,6
4	40- Мактаблар	5,8
5	44- Тошканал	6,2
6	50- «Металлоконструкция»	26,7
7	126- «Мехнат» фабрикасининг болалар боғчаси	1,1
8	146- Тошвилоятагросаноат қурилишига қарашли 22-КМС ғишт заводи	2,2
9	153- Тошент вилояти сув хўжалиги и-ч бош.БУШи	2,6
10	Дехқон хўжалиги	11,1
11	Сут фирмаси	6,8
12	Насос станцияси	0,4
13	Дала шийпони	0,6
14	Омбор	0,6
15	АЁҚШ	0,3
16	МТП	3,6
17	ҚФЙ	0,4
18	Дўконлар	0,2
19	Сув ч.	0,3
20	Спорт майдони	0,9

21	Тозалаш иншооти	3,9
22	Ўзга ер	0,3
23	58- Газ ўтказиш йўли	2,3
	Жами	109,8

1.5 “«Истикбол» ” массиви ерларини баҳолаш ҳолати.

Келгусидаги ривожланиш истикболларини белгилаш, ер баҳолаш ишларини аниқ ва сифатли бажариш учун биринчи навбатда массивнинг табиий шароитлари ўрганиб, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш мавзу бўйича қабул қилинадиган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамият касб этади. “«Истикбол» ” массиви ерларини ўртача балл бонитети 62,0 бални ташкил этади. Тупроқлар тури, уларнинг тавсифи ва бонитет баллари тупроқ ҳаритасида келтирилган.

Мавжуд майдонлардан фойдаланишни яхшилаш учун албатта биринчи навбатда ер кадастри маълумотларидан тўғри фойдаланиш катта самара беради. Булардан масалан ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш ва ер ҳисоби маълумотлардан массивда мавжуд тупроқларнинг ҳосилдорлиги 62,0 баллни ташкил этмокда. Массивдаги мавжуд тупроқларнинг потенциал имкониятининг ўзи массивдаги экинлардан олинадиган минимал ҳосилдорликни олинишини кўрсатади. Шундай экан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш учун ер баҳолаш ишларини жумладан, иқтисодий (меъёрий) баҳолашни тўғри олиб бориш ҳамда ер майдонларида экинларини тўғри жойлаштириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мавзусига асосан Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “«Истикбол» ” массиви ҳудудида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ишларини такомиллаштириш масалалари навбатдаги бобларда ёритилади.

2-БОБ

**Ер ҳисобини юритиш ва кадастр
рақамларини шакллантиришнинг
услубий масалалари**

2.1 Давлат ер кадастрининг турлари, тамойиллари ва ҳужжатлари

Ўтказилиш мазмуни ва тартибига қараб давлат ер кадастри асосан икки турга бўлинади: асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик).

Асосий ва жорий кадастр ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ер кадастрининг босқичларидир. Асосий кадастр жорий кадастрни юритишга замин яратади. Жорий кадастр, асосий кадастр маълумотларини янгилагангани ва тўлдирилгани ҳолда ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни тизимли тарзда шу куннинг талаби даражасида ушлаб туради. Шу сабабли ҳам жорий ер кадастри бўйича ишлар асосий ер кадастри ишлари тугагандан сўнг бирданига ташкил этилиши зарур.

Ер кадастри маълумотларининг аниқлиги ер тузиш, ўрмон тузиш, тасвирга олиш ва кузатув материалларининг сифатига боғлиқ. Жорий ер кадастри ишларида асосий ер кадастри матриалларидан фойдаланилади.

Ер кадастрини юритишда бир қатор тамойилларга амал қилиш зарур. Давлат ер кадастрининг бундай асосий тамойилларига қуйидагилар киради: мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш, фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш, ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиш услубиятининг бирлиги ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши, қонунийлик узлуксизлик, кўргазмалилик, марказлашган раҳбарлик ва бошқалар.

Маълумки ер кадастри ишлари мамлакатнинг барча ҳудудларида ягона услубият асосида бажарилиши зарур. Бир даврда мамлакатнинг барча ҳудудларини тўла қамраб олган ҳолда ўтказилган ер кадастри ишларининг натижалари ҳам республикамизнинг ер майдонлари тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар юритиш имконини беради.

Ер кадастрини юритиш узлуксиз ҳолда амалга оширилиши зарур. Жумладан, ер кадастри ердан фойдаланишда рўй берадиган ўзгаришларни доимий равишда ҳисобга олиб ер фонди ҳолатининг аниқ тавсифини бериши

зарур. Бундан кўринадики, ер кадастри маълумотлари ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатларида бўладиган жорий ўзгаришларни тизимли тарзда аниқлаб берилиши керак. Ўтироф этиш зарурки, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасидаги ер майдонларда ҳар йили жуда кўп сонли ўзгаришлар кузатилади. Маъмурий туман (шаҳар), вилоят ва ниҳоят мамлакат бўйича эса бундай ўзгаришлар жуда катта миқдорларни ташкил этади. Бу ўзгаришларни доимий равишда аниқлаб бориш ягона ер фондидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ бошқариш имконини беради. Шунинг учун ҳам ер кадастрини узлуксиз равишда ўтказиш зарур бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ер кадастрига доир ахборотлар тўғри бўлиши керак. Унинг барча кўрсаткичлари қатъий аниқ, ҳақиқатга тўла мос келиши зарур. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолатларига мос бўладиган фақатгина объектив маълумотлар мамлакат ер фондидан тўғри фойдаланиш ва бошқариш бўйича давлат вазифаларини бажариш учун муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ер кадастри ҳужжатларига бирламчи ёки жорий ўзгаришларни киритиш уларни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланилади.

Ахборотлар тўғри бўлиши нуқтаи назардан ердан фойдаланувчиларнинг ўзлари ҳам ер кадастрини тўғри юритишлари катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳар бир ердан фойдаланувчи ер кадастрини юритиш бўйича ўзидаги зарур ҳужжатларда ер таркибида рўй берган барча ўзгаришларни аниқ ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимиятига ердан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши зарур.

Маълумки, асосий ва жорий ер кадастри уларнинг мазмуни ва моҳиятига мос ҳолда ер кадастри ҳужжатларида ёритилади. Ўзларининг моҳиятига қараб ер кадастри ҳужжатлари матн-ёзув ва график-чизма турларига бўлинади. Матн – ёзув ҳужжатлари китоб, қайднома, тушунтириш хатлари кўринишида улиб, ер кадастри маълумотлари натурал кўрсаткичларда ёритилади. График-чизма ҳужжатлари – бу ер кадастри

ишлари ўтказилаётган ҳудудни маълум масштабларда қоғозда акс эттирилиши асосида олинадиган турли план-ҳариталар, чизмалардир.

Матн ва график - чизма ҳужжатлар ўртасида доимий равишда узвий боғлиқлик мавжуд. Матн ҳужжатлар одатда график ҳужжатлардаги маълумотлар асосида тўлдирилади ва аксинча. Ер кадастри ҳужжатлари мазмуни ва моҳияти бўйича асосий, ёрдамчи, бирламчи ҳужжатларга бўлинади. Асосий ер кадастри ҳужжатлари ўз навбатида ҳисоб-китоб ва ҳисобот турларига бўлинади. Маъмурий туман (шаҳар) бўйича ер кадастрининг асосий ҳисоб-китоб ҳужжати – бу туман (шаҳар) давлат ер кадастри китобидир.

Ушбу китобда одатда туман (шаҳар) бўйича барча ердан фойдаланувчилар ер мулкдорларининг рўйхати, ерларнинг миқдор ва сифат ҳисоби, тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш маълумотлари қайд қилинади. Ўз моҳияти бўйича иккинчи муҳим ҳисоб китоб ҳужжати – бу туманнинг навбатчи кадастр ҳаритасидир. У туманда мавжуд бўлган барча ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва бошқа бирликларни маълум масштабдаги ҳаритада ҳудудий жойлашуви бўйича аниқ тасаввур беради. Ер кадастрининг асосий ҳисобот ҳужжатлари – бу туман (шаҳар), вилоят ер баланси миллий ҳисоботи.

Ердан фойдаланувчиларнинг асосий кадастр ҳужжатлари – бу барча ерлардан фойдаланишни ҳисобга олиб борадиган ҳамда уларда юз берадиган ўзгаришларни даврий равишда тизимли тарзда ёритадиган ҳужжатлардир. Бунга асосан ерлардан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи давлат далолатномалари, ерга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китоби ва ердан фойдаланувчиларнинг турли мазмундаги план-ҳариталари киради. Ёрдамчи ер кадастри ҳужжатларига асосан ишчи дафтарлар, ер мулкдорлари, ердан фойдаланувчилар рўйхати, ҳисоботлар ва уларга иловалар, тушинтириш

хатлари, очерклар, картограммалар, диаграммалар киради. Улар асосий ер кадастри ҳужжатларида келтириладиган маълумотларни тўлдирадилар.

Асосий ер кадастри ҳужжатларига ер кадастрини юритиш учун бирламчи ҳужжат маълумотларидан фойдаланилади. Бошланғич тарзда ер кадастрини юритиш ҳамда жорий ўзгаришларни киритишда ҳам бирламчи ҳужжатлар асос бўлади. Бундай ҳужжатларга асосан ер тузиш, ўрмон тузиш, майдонларни тасвирга олиш, ерларни йўқлама қилиш, ер ва экин турларини махсус асбоблар ёрдамида назоратли ўлчов, тупроқ, агрохимё, геоботаник ва мелиоратив кузатув материаллари, ердан фойдаланишда рўй берган ўзгаришларни ўлчов натижалари бўйича материаллар, тупроқ бонитровкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш, майдонлар юзаларини ҳисоблаш қайдномалари кабилар киради.

Асосий ер кадастри ҳужжатларида юқоридагилар билан биргаликда ер кадастри маълумотларини қонуний равишда тасдиқловчи унга ҳуқуқий асос бўладиган ҳужжатлар ҳам зарур. Буларга асосан «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги ва «Давлат кадастрлари тўғрисида» ги қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг, вилоят ва туман ҳокимиятларининг ер муносабат - ларини тартибга солиш ва ердан фойдаланиш соҳаларидаги қарорлари киради.

2.2 Ер ҳисобини юритишда давлат назоратини ташкил этиш

Ер ҳисобини ҳамда туманда ерлардан фойдаланишнинг давлат назорати билан боғлиқ барча ишлар туман ҳокимияти қошида ташкил этилган. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматига юклатилган. Бу хизмат махсус тайинланадиган бошлиқ томонидан бошқарилади. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғининг ер ҳисобини юритиш ҳамда ердан фойдаланиш бўйича берадиган барча кўрсатмалари тумандаги барча ердан фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари туман ҳокимияти билан келишилган ҳолда вилоятлар ер ресурслари бошқармалари томонидан тайинланадилар. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари айни пайтда туман ҳудудида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни назорат қилиш давлат инспекторлари ҳисобланадилар. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизмати ўз фаолияти даврида ерлардан имкони борича тўла ва унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун ва бошқа заруриятлар учун яроқли янги ерларни аниқлаш мақсадларида туман ер фондини ўрганади. У ерлардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бажарилишини, ер тузиш лойиҳаларини амалга оширилишини, белгиларни сақланишини назорат қилади.

Ўзининг юқорида қайд қилинган функцияларидан келиб чиққан ҳолда ер ҳисобини юритишда ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- туманда ер ҳисобиини умумдавлат тизими бўйича ягона тарзда юритиш;
- ўзларининг ваколатлари доирасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш;
- ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилари бўйича туман ер кадастри китобига, навбатчи кадастр ҳаритасига бирламчи маълумотларни ҳамда жорий ўзгаришлар маълумотларини киритиб бориш;
- ердан фойдаланиш ва ер участкаларига мулк ҳуқуқларини берувчи давлат ҳужжатларини тузиш, расмийлаштириш, уларни рўйхатлаш ва бериш, доимий фойдаланишдаги ерларни кўпайиши ёки камайиши бўйича ўзгаришларни давлат ҳужжатларига киритиш;
- узоқ ва қисқа муддатли ердан фойдаланиш ҳужжатларини расмийлаштириш;

- йиллик миллий ер ҳисоботини туман миқёсида ишлаб чиқиш (ерларни тоифалари, турлари ва ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилар бўйича тақсимоти, миқдор ва сифат ўзгаришлари бўйича);

- туманнинг бошқа мутахассислари, «Ергеодезкадастр» Давлат кўмитаси ходимлари иштирокида ер тузиш, ер кадастри, дала қидирув, ер баҳолаш ва бошқа ишларни ҳамда ерлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш ва ўтказиш;

- туман ер фондидан янада самарали, тўлиқ ва тўғри фойдаланиш, фойдаланилаётган қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни аниқлаш ва уларни бошқа мақсадлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- тумандаги барча ердан фойдаланишлар бўйича давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун ажратиладиган ер участкаларидан кўриладиган зарар ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг умумий қийматини аниқлаш ва асослаш бўйича аниқ таклиф-мулоҳазалар бериш;

- ердан фойдаланувчиларни уларга зарур бўладиган ер ҳисоби ҳужжатлари, план-ҳарита материаллари билан таъминлаш, уларни юритиш бўйича зарур маслаҳат ва кўрсатмалар бериш ер кадастри ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш ҳамда ёрдам кўрсатиш;

- тумандаги барча ердан фойдаланувчилар томонидан ер ҳисоби ҳужжатларини юритиш ишларини назорат қилиш;

- туман ерларидан мақсадли ва белигланган тартибда фойдаланиш, ер тузиш, ер кадастри ва ер мониторинги бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллашни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- ваколатли давлат органлари ёрдамида ердан фойдаланишдаги аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича назорат ишларини амалга ошириш;

- ерларни рекультивация, янги ерларни ўзлаштириш, ер тузиш лойиҳаларини, ер мелиорацияси, тупроқ эрозияси, маданий яйловларни яратиш, ер турларининг ҳолатини яхшилаш, аҳоли яшаш жойларидаги ердан фойдаланишни тартибга солиш, қурилишлар учун ер ажратиш ва бошқа ер муносабатларини тартибга солишга доир тадбирларни ўз вақтида сифатли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

- янги ўзлаштирилган, мелиоратив ҳолати яхшиланган, ҳайдалма ер турлича ўтказилган майдонларни сифат ва миқдор жihatдан ўзгарган ерларни қайтадан ҳисобга олиш ишларини олиб бориш;

- массивларига ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ушбу ҳўжаликларни жойида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларин хал қилиш;

- томорқа ерларини мунтаззам ҳисоб-китобларини олиб бориш, қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича тезкор майдон ҳисобларини ўз вақтида, заруриятга қараб амалга ошириш ва йўл қўйилган хато-камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни тугатиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

- ердан фойдаланувчилар чегараларига чегара белгиларини, қишлоқлар, далалар ва қурилиш объектлари чегараларига махсус белгиларни ўрнатиш ҳамда уларни асраш бўйича зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаш;

- ердан фойдаланиш, ер мулкчилиги ва ижараси бўйича туман ҳокимиятига тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш ҳамда зарур бўлган талабни қондиришга тавсиялар, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ер муносабатларини тартибга солиш туман комиссиясига тақдим этиш;

- «Ергеодезкадастр» ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталарининг вилоят бошқармаларига, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вилоят бошқармасига ҳамда зарурият туғилган тақдирда республика миқёсидаги

тегишли идора, вазирлик ва қўмиталарга ер тузиш, ер кадастри ва мониторингини, тупроқ, мелиоратив, геоботаник кузатувларни, ерларни тасвирга олиш ва хариталаш, шунингдек бошқа дала-тадқиқот ишларини бажариш бўйича аризаларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда уларни амалий жихатдан бажарилишини назорат қилиш.

Ўзларига юклатилган юқоридаги мажбуриятларни бажаришлари учун «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасининг туман хизмати ходимлари туман ҳудудидаги барча ердан фойдаланишларга ҳеч бир тўсиқсиз киришлари ва ерларни кузатишларини ўтказишлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан, фуқаролардан амалда бўлган ер қонунларига риоя қилишларини, ердан фойдаланишда вужудга келган хато-камчиликларни тўғриланишини талаб қилишлари мумкин. кузатув ишларини, майдонларни назоратли ўлчов ишларини ўтказиш ҳамда ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш учун туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматининг бошлиғи массивларда меҳнат қилаётган ер тузувчи мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

2.3 Кадастр рақамларини шакллантириш тартиби

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар учун давлат рўйхатини амалга ошириш ердан фойдаланиш тоифалари бўйича белгиланган тартибда туман ва шаҳар ҳокимиятларида амалга оширилади. Ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича муддатсиз, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ерлар алоҳида рўйхат қилинади. Асосий ер рўйхати маълумотлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдаланиш тури, жойлашган ўрни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг номи, унинг тартиб рақами ҳамда ердан фойдаланувчига берилган вақти ва бошқалар. Ердан фойдаланишнинг давлат рўйхати туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида амалга оширилади.

Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатлаш бўйича маълумотлар туманнинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастр ҳужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китобининг биринчи бўлимида туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер рўйхати маълумотлари киритилади. Китобнинг бешинчи бўлимида эса фуқаролар томорқа ерларининг майдонлари қайд қилинади. Томорқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ фуқаролар йиғинида юритилаётган хўжалик дафтарида ҳам қайд қилиб борилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишнинг муҳим ташкилий тадбирларидан бири – бу ҳудудни кадастр бўйича бўлиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш мақсадида амалга оширилади.

Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ажратиш тартибида ажратилган ерни ҳисобга олишнинг дастлабки бирлиги ҳисобланади.

Муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланишдаги ерлар, жумладан кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган минтақалар, ёдгорлик мажмуалари, қабристонлар, шаҳар ахлатхоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган заҳира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ерни кадастр бўйича бўлиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (шаҳар туманларидан ташқари) доирасида ер ресурслари бошқармалари томонидан, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари доирасида – туманлар кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан ўтказилади.

Кадастр рақами бу – ер участкаси, бино, иншоатга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида фаолият юритиш давомида сақланиб қолади.

Қуйидагилар ер участкаси, бино ва иншоатларнинг кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

- минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) нинг рақами;

минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳарнинг рақами;

кадастр зонасининг рақами;

кадастр массивининг рақами;

кадастр мавзесининг рақами;

ер участкасининг рақами;

бино ёки иншоатнинг рақами;

бино, иншоат бир қисмининг рақами;

Яхлит ҳолда кадастр рақами қуйидаги тузилмага эга:

AA : BB : DD : EE : FFFF : GGGG : NNN

Ер участкасига кадастр рақамини бериш ер участкаларига кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва уларнинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш асосий (бирламчи) ва жорий (қундалик) турларга бўлинади. Бирламчи рўйхат қилишда янги ердан фойдаланувчиларни расмийлаштириш, ер рўйхати ҳужжатларига бирламчи зарур маълумотларни тушириш ва тизимга келтириш бўйича ишлар амалга оширилади. Уни ўтказиш жараёни натижасида ер участкалирига бўлган ҳуқуқлар бўйича бирламчи ёзув туширилади. Кейинчалик ҳужалик фаолиятининг ривожланиши натижасида ердан фойдаланишнинг ўлчамлари ва таркибида у ёки бу кўринишлардаги қонуний

ўзгаришлар рўй беради. Бу ҳол эса ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга зарурат туғдиради. Масалан, давлат ва жамоат заруриятлари учун ер ажратилиши натижасида ердан фойдаланишнинг умумий майдони, жумладан алоҳида ердан фойдаланиш турларининг майдонлари ўзгаради. Бундай ҳолатлар айниқса ердан вақтинчалик фойдаланишда кўп учрайди. Баъзи ҳолатларда эса аксинча ердан фойдаланувчига олдин ундан олинган ер участкаси қайтариб берилади. Негаки, бундай ҳолатда олдин ажратиб берилган мақсадлар учун ердан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган. Бундан бошқа ҳам қатор қонуний сабаблар бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланишдаги барча қонуний ўзгаришларни расмийлаштириб бориш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи рўйхат маълумотларига зарурий аниқликлар киритиш ердан фойдаланишнинг жорий рўйхати тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер участкаларининг рўйхатлаш маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида бажариб борилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, уни ўзга фойдаланувчига ўтиши, ундан фойдаланиш бўйича чекланиши ёки бекор қилиниши ҳам давлат рўйхатига олиб борилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади. Давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади. Рўйхатга олиш ариза берган кундан эътиборан ун кунлик муддатда амалга оширилади ва давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри китобига қуйидаги маълумотлар киритилади:

-ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги;

-ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастр рақами ва бошқалар);

-ер участкасининг берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;

-туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;

-давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун берилган аризаларни рўйхатга олиш махсус рўйхатга олиш жараёнида юритилади.

3-БОБ

**«Истикбол» массивида ер ҳисобини
юритиш ва кадастр рақамларини
шакллантириш натижалари**

3.1 «Истикбол» ” массивида ерларни юқлама қилиш

Ҳисоб маълумотларини олишнинг жуда муҳим усулларида бири-бу кузатувдир. Давлат ер ҳисобида ўтказиладиган кузатув ишларининг вазифасига асосан ер турларининг ҳақиқий ҳолатини ва фойдаланишини аниқлаш, шунингдек, уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мумкин қадар тезкор фойдаланиш имкониятларини аниқлаш киради. Ер кадастри мақсадлари учун ўтказиладиган кузатувлар асосан икки турга бўлинади: махсус ва агрохўжалик. Махсус кузатувларга тупроқ, геоботаник ва мелиоратив кузатувлар киради. Агрохўжалик кузатувда асосан ҳар бир контур ва ер турининг жойдаги ташқи белгилари ва ҳолати бўйича унинг сифати ҳамда истикболдаги имкони борида оқилона фойдаланиш йўллари аниқланади. Ер майдонларининг тезкор ҳисоби, жумладан суғориладиган ерларни йўқлама қилиш (инвентаризация қилиш) ер ҳисобининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган.

Ерларни йўқлама қилиш бир вақтнинг ичида ўтказиладиган тадбир бўлиб, унда ҳар қайси хўжалик бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

- қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони тўғрисида аниқ маълумотлар олиш ва уларни план ва харита асосида кўрсатиш;
 - тупроқ кузатув ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
 - ер устини текислаш, коллектор, зовур ва суғориш тармоқларини куриш ҳамда реконструкция қилиш учун зарур бўлган майдонларни аниқлаш.
- Ерларни йўқлама қилиш ишлари натижаларини умумлаштириш ва тасдиқлаш мақсадида вилоят ҳокимияти топширигига биноан туман ва вилоят ҳокимиятлари қошида махсус хайъатлар ташкил қилинади. Вилоят бўйича тузиладиган хайъат таркибига қуйидагилар киради:
- қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (хайъат раиси);
 - сув тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармасининг бошлиғи;

- ҳокимият қошидаги ер ресурсларини ҳудудий бошқармасини бошлиғи;

- статистика бошқармасининг бошлиғи;

- "Ўздаверлойиха" институтининг вилоят бўлинмаси (филиали)нинг директори ёки бўлим бошлиқлари.

Туманда тузиладиган ҳайъат таркибига қуйидагилар киритилади:

- туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (ҳайъат раиси)

- туман суғориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи;

- туман ҳокимиятидаги ер тузиш хизматининг бошлиғи;

- "Ўздаверлойиха" институтининг вилоят бўлинмаси (филиали) нинг етук мутахассиси.

Ерларни йўқлама қилиш "Ўздаверлойиха" институтининг ер тузувчи мутахассиси томонидан хўжалик ер-тузувчи-инженери, гидротехниги, хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарилади.

Ерларни йўқлама қилиш асосан 1:10000 масштабдаги план-хариталар асо-сида амалга оширилади. Айрим майдонлар учун план-хариталар бўлмаса, бу иш план-харита янгидан тайёрланган ҳолда амалга оширилади.

Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари қуйидаги босқичларда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;

- дала ишлари;

- майдонларни аниқлаш ва қайдномаларни тўлғазиш;

- расмийлаштириш ва хужжатларни кўпайтириш;

- йўқлама қилиш ишларини кўриб чиқиш.

Тайёргарлик ва ташкилий ишлар даврида ҳар бир массив бўйича ердан фойдаланиш плани, ер баланси ва бошқа ер тузиш хужжатлари танлаб

олинади. Дала ишлари давомида суғориладиган майдонларни тўғрилиги аниқланади ва барча ўзгаришлар планга туширилади. Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш қайдномаси шу ерларнинг ҳар бир хўжалик бўйича тузилишига асосан ер турлари контурларига кўра майдонни ҳисоблаш орқали олинади. Агар олдин ҳисоблаб чиқилган майдон ўзгармаган бўлса, унинг қайдномасидан фойдаланиб йўқлама қилиш шакллари тўлғаизилади. Агар хўжалик майдонининг бир қисми ёки айрим бўлагида тегишли ўзгаришлар бўлган бўлса, бу ўзгаришлар йўқлама қилиш шакллари тўлғазишда кўрсатиб ўтилади.

Массивда, корхона, муассаса ва ташкилотларда йил давомида олиб борилган ер ҳисоби ишларининг натижалари бўйича йил якунида туман ер тузиш хизмати томонидан туманда ер ҳисоботи (ер баланси) тузилади. Ер ҳисоботига йил давомида бажарилаган массивлараро ер тузиш, массивларнинг ички ер тузиш, ўтказилган назорат ўлчовлар ва бошқа ер тузиш ишларига тааллуқли бўлган маълумотлар асос қилиб олинади. Бу маълумотлар махсус шаклларга, чизма ҳужжатларга ҳамда тушунтириш хатларида қайд қилинади ёзилади. Ер ҳисоботи 22 ва 22 а ҳамда уларга илова қилинадиган шаклларда олиб борилади. Туман (шаҳар) ер ҳисоботи республика бўйича тузиладиган миллий ер ҳисоботининг асоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинлаини ва ерларини инструментал назоратли ўлчов ишлари қишлоқ хўжалиги билан шуғилланувчи барча корхона, муассаса ва ташкилотларда олиб борилади. Бу иш асосан қуйидаги мақсадларда бажарилади:

- ер фондидан фойдаланишни назорат қилиш;
- ер фондидан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик экинларининг майдонларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик ерларининг майдонларини аниқлаш;
- келажакда ер фондидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирлар

белгилаш.

Бериладиган топшириққа мувофиқ инструментал ўлчов ишлари барча қишлоқ хўжалик ерларида ёки фақат суғориладиган ерларда барча ёки баъзи қишлоқ хўжалик экинлари, ер турлари майдонларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3.2 «Истикбол» массивида суғориладиган ерларни ҳисобини юритиш.

Суғориладиган ерларни нихоятда ката ва аниқ ҳисобга олиш зарур, негаки ҳар бир гектар майдонни ирригация нуқтаи назаридан тайёрлаш жуда қимматга тушади, қурғоқчилик минтақаларида суғориш суви эса катта қимматга эга ҳамда у қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини тубдан оширади. Суғориладиган ерлар ҳисобини катта аниқликда эга бўлган план-харита материаллардан фойдаланилган ҳолда юритиш зарур. Панда ер турларининг контурлари, йўллар, қишлоқ хўжалик экинлари, доимий суғориш каналларининг кенглиги кўрсатилаган ҳолдаги суғориш тармоқлари, сувларнинг оўналишлари ва суғориш каналлари бўйича бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак.

Суғориладиган ерларни тупроқлар, уларнинг механик таркиби, рельефи ва мелиоратив ҳолатлари бўйича сифат тавсифлари бошқа алоҳида планда келтирилади. Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ва қишлоқ хўжалик ер турлари майдонларини ўлчаш тартиби махсус тузилган кўрсатмаларга биноан амалга оширилади. Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари ҳар бир хўжалик бўйича 3 нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатнома ҳайъат аъзолари, хўжалик раҳбари ва бош агроном томонидан имзоланади. Йўқлама қилиш якуни туман бўйича туман ҳокимияти ва вилоят ҳокимияти томонидан кўриб чиқилиб махсус қарор билан тасдиқланади(қарор намунаси қуйидаги шаклда келтирилган).

1шакл намунаси

(вазирлик, қўмита, идора)

_____ вилояти
_____ туманидаги
_____ массив номи ва унинг ихтисослиги
Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш далолатномаси

1.Туман ҳокимининг қарорига биноан 200_й_____
сонли_____

2.Қуйидаги таркибда ҳайъат тузилади:

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи
_____ (раис)

туман суғориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи _____

туман ер тузиш хизматининг бошлиғи _____

лойиҳа бош инженери (ёки етук мутахассис) _____

массив раҳбари _____

массив бош агрономи _____

200__йилдан _____гача бўлган даврда суғориладиган ерлар йўқлама
қилинди.

3. Йўқлама қилишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилди:

план-харита асосларидан (литооттиск, масштаб) нашр қилинган йили

тупроқ кузатуви ишлари _____

ерларнинг сифатини ҳисоблаш _____

4.Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари қуйидаги
иловаларда акс эттирилган

1) Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича ер турларининг
якуний натижаси;

2) Ер баланси маълумотларини ва суғориладиган ерларни йўқлама
қилиш бўйича қиёсий қайдномаси;

3) Қишлоқ хўжалик ер турларининг сифати бўйича тавсифномаси;

4) Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тавсифномаси;

5) Массивнинг _____ масштабдаги ердан фойдаланиш плани
Раис

(имзо) (Фамилияси, исми шарифи)

Хайъат аъзолари

(имзо)

(Фамилияси, исми шарифи)

дан _____ вилояти

200 __ йил _____

_____ туманидаги

Суғориладиган ерларни

йўқлама

қилиш далолатномасига

Ер баланси маълумотларини ва суғориладиган
ерлар йўқламаси натижаларининг қиёсий

Қ А Й Д Н О М А С И

Ер турлари номи	01.01_____ йил ер балан-си бўйича	_____ йил йўқ-лама қилиш якуни бўйича	Фарк и +,-	Фарк қилиш сабаблари
1. Ҳайдалма ер, жами ш.ж.доимий суғориладиган ерлар 2. Кўп йиллик дарахтзорлар 3. Бўз ерлар, жами ш. ж. доимий суғориладиган ерлар 4. Пичанзорлар 5. Яйловлар 6. Қишлоқ хўжалик ер турининг жами ш.ж.доимий суғориладиган ерлар 7. Томорқ ерлар 8. Ихота ўрмон тизимлари ва ўрмонлар Суғориладиган ерлар, жами				

Бирламчи маълумотлар олиш ва суғориладиган ерлардан
фойдаланишни назорат қилиш мақсадларида даврий равишда, эҳтиёжга
қараб экин майдонлари ёки томорқа ерларини умумий назоратли ўлчов

ишлари ўтказилади. Назоратли ўлчов асосан геодезик асбоблар ёрдамида бир муддатда ҳамма ер участкаларида ёки танланган яъни алоҳида олинган майдонда амалга оширилади. Ёппасига ўлчовда-барча майдонлар камраб олинади, танланган ҳолда эса худуднинг айнан танланган қисмигина ўлчов ишларига тортилади.

Йўқлама натижасида аниқланган ўзларига ажратилган ердан самарасиз фойдаланаётган, белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланаётган ёки ер майдонларидан умуман фойдаланмаётган субъектлар бўйича туман айъати томонидан туман ҳокимига ерларни қайтариб олиш учун таклиф киритилади. Туман ҳокими «Ер кодекси» нинг 36-моддасига биноан бу ер майдонини аввалги эгаларига қайтариб бериш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Ерларни ҳисоб қилишда уларни йўқлама қилиш тадбири билан бир қаторда назоратли ўлчов ишларини бажариб бориш ҳам муҳим аҳамият касб қилади.

Ўлчов ишларини бошлашдан олдин ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси бўйича топшириққа биноан зарурий кўрсаткичларни туман статистика ташкилотларидан - қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, туман ер ресурслари хизматида – ер турларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар кўчириб олинади ва улар тикман ва сув хўжалиги бошқармасида тасдиқланади.

Ўлчов ишлари далада, массив вакили иштирокида, суғориладиган майдонларда 1:10000 масштабни ва лалми минтақаларда 1:25000 масштабни план-хариталаридан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Агарда бундай план-хариталар бўлмаса қўшимча янги хариталар тайёрлаш бўйича иш бажарилади.

Ўлчовни бажаришда топографик элементларни тузатиш (карректровка қилиш) ишлари ҳам бажарилади: сўғориш, коллектор-зовур ва йўл тармоқларининг кенгликлари аниқланади, янги қурилганлари тузирилади ва

йўқолганлари ўчирилади.

Ўлчов ишлари тугагандан сўнг ҳар бир хўжалик бўйича махсус «дело» ташкил ўлинади. Унга қуйидагилар киритилади:

- алоҳида қимматга эга бўлган ерлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар;
- қишлоқ хўжалик экин турлари ва ер турларининг майдонларини ҳисоблаш қайдномаси;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларини ўлчанганлиги тўғрисидаги далолатнома;
- инструментал ўлчов якуни туширилган ер участкасининг харитаси.

Иш нихоясига етказилгандан сўнг барча туманлар, вилоятлар бўйича умумий ҳисобот тузилади ушбу ҳисобот таркибига қуйидаги ҳужжатлар киради:

- тушунтириш хати;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларининг майдонлари бўйича умумий якуни;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларнинг ўлчанганлиги бўйича ҳар бир туман хўжаликлари алоҳида-алоҳида кўрсатилган ўлчов ҳисоботи.

Ўлчов натижалари белгиланган тартибда ишни бажариш бўйича берилган топшириқ асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Маълумки, суғориладиган ерларни ҳисоб килишда наинки ер майдонлари, балки шу билан бир қаторда сув ресурсларининг ҳолати ҳамда фойдаланишга тавсиф берилади.

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва уни амалга ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларига наинки ердан фойдаланувчилар ва сувдан фойдаланувчилар бўйича, балки алоҳида олинган суғориш каналлари бўйича ва умуман суғориш тизими бўйича суғориладиган ерларнинг тўла тавсифи

зарур ерлар қишлоқ хўжалик ер турларининг майдонлари бўйича, уларнинг сифат ҳолатлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дарахтзорларнинг жойлашиши бўйича ҳисобга олиниши зарур.

Бу ҳол шу билан боғлиқки, турли қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтзорлари ўзларининг вегетация даврида наинки турли миқдорлардаги сувни, балки турли меъёрлар ва суғориш даврларини талаб қилади. Бундан ташқари турлича механик таркибли, турлича ер ости сувлари чуқирликларига эга бўлган турли тупроқларга эга бўлган ерларга экилган бир хилдаги экинлар турлича миқдордаги сувни ва турлича суғориш муддатларини талаб қилади.

Шу сабабли ҳам ҳар бир суғориш канали бўйича наинки умумий суғориш майдонини, балки ушбу ҳудуднинг сифат ҳолатини ҳам билиш зарур. Бундан ташқари ҳар бир ер участкаси қандай қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлиши мумкинлигини ҳам билиш зарур. Фақат шундагина сув хўжалиги органлари энг мақбул муддатларда зарур миқдордаги сувни етказиб беришлари мумкин.

Экин майдонларида, экинлар ва дарахтзорлар таркибида, суғориш участкаларининг ўлчамларида ва уларнинг сифат ҳолатларида юз берадиган ўзгаришлар суғориладиган ерларни тизимли тарзда миқдор ҳамда сифат жиҳатидан ҳисобини юритиб беришни тақазо қилади. Суғориш сувини тақсимлаш, суғориш тармоғидан сувни олиш ва уни ишлатиш режаларини тузиш, суғориладиган майдонларни кенгайтириш режали тарзда ички хўжалик сувидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқалар бўйича тадбиркорларни режалаштириш суғориладиган ерларнинг жорий ҳисобига асосланади.

Суғориладиган ерларни ҳисобга олишни ер турлари бўйича, уларнинг сифат ҳолатлари, қишлоқ хўжалик экинлари, дарахтзорлар турлари, алоҳида каналларнинг суғориш сфералари ҳамда суғориш тизимлари бўйича амалга ошириш зарур. Ер ҳисобининг бирламчи элементи бўлиб суғориш участкаси

хизмат қилади. У бир хилдаги ер турининг контури бўлиб битта майда суғориш каналидан суғорилади.

3.3 «Истикбол» массиви ҳудудида кадастр рақамларини шакллантириш

Ер участкаларига кадастр рақамларини берилиши уларни рўйхатга олувчи органларнинг ер участкаларга, иморат ва иншоотларга ягона кодлаш тизими асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 22 январдаги «Жисмоний шахсларга эгалик ҳуқуқи тегиши учун иморат ва иншоотларни инвентаръ баҳолаш ишлари олиб борилиши ҳақида» 35-сонли қарори асосида амалга оширилади. Ер участкаси ягона объект ҳисобида бўлган даврда кадастр рақами ўзгармайди ва сақланиб қолади.

Ер участкаларининг чегараларини тасвирлаш ва ҳолатини ҳисобга олиш учун 1:2000 дан 1:25000 гача бўлган давлат стандартларида қабул қилинган масштабларда кадастр карталари юритилади. Кадастр карталарида ер участкаларнинг кадастр рақамлари ҳам ҳуқуқий расмийлаштирилади.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли кадастр харитаси (режаси) га киритилгандан кейин бошланади.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги ер участкасининг кадастр рақами

11:07:01:02:02:0002.

Бу ерда:

11 – минтақа рақами

07 – Ўрта Чирчиқ тумани рақами

01 – кадастр зонасининг рақами

02 - кадастр массиви рақами

02 – кадастр мавзеси рақами

0002 – кадастр мавзеси чегарасидаги ер участкасининг рақами.

2. Бино ва иншоотларнинг кадастр рақами:

11:07:01:02:02:0002:0008

Бунда:

11:07:01:02:02:0002 - ер участкасини кадастр рақами

0001– ер участкаси чегарасидаги бино ва иншоотларнинг рақами.

3. Бино ва иншоотларни бир қисмини кадастр рақами:

11:07:01:02:02:0002:0001:002

11:07:01:02:02:0002:0001– бино, иншоотларни кадастр рақами.

002 – Бино иншоотларнинг бир қисмини кадастр рақами (асосий бино ва иншоотларда).

Кадастр рақамларини ҳисобга олиш журналини расмийлаштириш куйидаги жадвалда келтирилган.

3.1-жадвал

Кадастр рақамларини ҳисобга олиш журнали
(«Қорасув» фермер хўжалиги ер участкаси мисолида)

Ер участкаси рақами	Бино, иншоот рақами	Бино, иншоотнинг бир қисми	Ер участкаси, бино, иншоотлар ва қўчмас мулк объектларининг манзили ёки почта манзили, мулкдорнинг Ф.И.Ш. (мулкдор фойдаланувчи).	Кадастр зонаси картасининг индекслари ва номенклатураси	Ер участкалари учун том рақами, бетлари ва давлат реестри	Кадастр рақами берилган муддат ва рўйхатлов-чининг Ф.И.Ш.	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8
0002	0001	002	«Қорасув» фермер хўжалиги раҳбари Алиев К.И.	11:07:01:02:02:0002:001:002	№1-Том, 43 бет, 1361	03.03.2014 й. Хусанов Равшан	

Бино ёки иншоотнинг бир қисми деб муайян сатҳда жойлашган, асосий бино ёки иншоотдан фарқланувчи ҳуқуқий мақомга (хонадон, бино ёки бино иншоотнинг бошқа алоҳида қисми) эга бўлган алоҳида қисми ҳисобланади.

Бино ёки иншоотнинг кадастр рақами улар жойлашган ер участкаси чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади. Бино ва иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бино ёки иншоот чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш) рўйхатга олиш, янги кадастр харита (режа) ларини тайёрлаш вақтида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари ўзгартирилмайди. Битирув малакавий ишини бажаришда юқорида номланган йўриқномадан асосий услуб сифатида фойдаланилди.

3.4 Транспортдан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш

2.4.1. Транспорт ташиш ишларида жароҳатланишнинг тақсимланиши.

2.4.2. Хавфлилик даражаси бўйича юкларнинг бўлиниши.

2.4.3. Транспорт ишларида техника хавфсизлиги.

2.5.4. Юклаш-тушириш ишларида техника хавфсизлиги.

Ўзи юрар машина ва агрегатлар ўлим билан тугайдиган жароҳатларнинг асосий манбаидир. Бу воситаларда умумий жароҳатланишнинг 60-66% ўлим билан тугайди, шундан 27% гача жароҳатланиш ғилдиракли тракторларга, автомобилларга 20% тўғри келади. Транспорт-йўл фалокати ўлим билан тугайдиган жароҳатлар 46-48% атрофида кузатилади, шундан ўтишда - 20-22%, тўнтарилишда - 15-16%, тўқнашишда 6-7%.

Қишлоқ хўжалигида транспорт ишларида жароҳатланишнинг миқдори 35% қайд қилинган. Юклаш, ташиш ва туширишда хавфлик даражаси бўйича юклар 7 та гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга кам хавфли юклар киради (қурилиш материаллари, мева, сабзавотлар, озиқ-овқатлар, эҳтиёт қисмлар), яъни идишда ва идишсиз ташиладиган материаллар .

2-гуруҳга ёқилғи материаллари (бензин, ёғ, керосин, дизель ёқилғиси) бунда юклаш-тушириш ишлари механизациялаштирилади.

3-гурухга иссиқ ва чангланувчи юклар киради (битум, асфальт, мин. ўғитлар, цемент) бу юкларни юклаш-тушириш ҳам механизациялашган бўлиши керак. Иссиқ юклар металлсимон кузовларда ташилиши керак.

4-гурухга агрессив суюқликлар (кислота ва ишқорлар). Сиқилган газлар билан тўлғазилган баллонлар (ацетилен, пропан, кислород).

5-гурухга юклар киради. Баллонлар бир қатордан ортиқ юклатилганда улар орасига прокладкалар қўйилиши керак. Кузовлар стеллаш ва кигизлар билан жиҳозланиши керак.

6-гурух юкларга ўлчамлари бўйича хавфли юклар киради (транс. воситаларининг кузовидан узун бўлган юклар). Агар юк бм. ортиқ бўлса уни прицепга маҳкамлаш керак. Қўлда туширганда 2та киши кам бўлиши лозим.

Тез ёнувчи, портловчи ва захарли газлар ўта хавфли юкларга киради ва 7-гурухга тааллуқлидир. Бу юкларни ташиш махсус инструкция ва рухсат асосида амалга оширилади. Юклаш - тушириш кишиларни инструкташ ўтказилагандан кейин бажарилади. Юклар массаларига қараб 3-та категорияга бўлинади: 1- категорияга 80 кг. гача ; 2-категорияга: 80-500 кг; 3-категорияга 500кг. ортиқ. Юқорида айтиб ўтилаган юкларнинг хавф даражаси ва категориялари транспорт ва юклаш-тушириш ишларида албатта этиборга олиш керак.

Транспорт воситаларини эксплуатация қилганда хавфсизлик асосан ишни тўғри ташкил қилиш ва автомобиль, тележка ва бошқа воситаларнинг техник ҳолатини системали назорат қилиш билан амалга оширилади. Колхоз ва совхозларда транспорт ишларини тўғри ташкил қилиш қўйидаги тадбирларни амалга ошириш билан таминланади:

- Транспорт воситаларини эксплуатация қилишда хавфсизликни таминлаш учун жавобгар шахсларни ва мутахассисларни тайинлаш;

- автомобиль, прицепли тележка ва тузилмаларнинг техник ҳолатини системали назорат қилишни ташкил қилиш;

- транспорт воситаларига хизмат қиладиган ишчилар устидан ишлаб чиқариш интизомини ҳар кунда назорат қилишни ташкил қилиш;

- Ишнинг хавфсиз методларини ўрганиш бўйича транспорт воситалари хайдовчиларига систематик равишда жарслар ўтказиб туриш.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирлар ичида энг муҳими ишлаб чиқариш интизомини ҳар куни назорат қилишдир. Транспорт ишларига оз бўлсаям маст ҳолдан, касалланган (t-си баланд) ва олдинги ишдан чарчаб келган кишилар рухсат қилинмайди. Автомобилларни техник эксплуатация қилиш қоидаси бўйича, озгина камчилиги бўлган воситалар ишга қўйилмаслиги керак. Рул бошқармасининг созлигини текширганда рул чамбарагининг эркин ҳаракатига эҳтибор қилиш керак. Созлагандан кейин бу ГАЗ автомобилларда 10° гача, ЗИЛларда 15° гача (люртомер билан ўлчаганда. Йўл ҳаракати қоидаси бўйича тах рухсат қилинган эркин ҳаракат 25° ташкил қилиши керак.

Рул бошқармасида қуйидаги камчиликлар рухсат қилинмайди:

- картернинг маҳкамланишининг ва рул қолинкаларининг бўшаши;
- рул червякидаги подшипникда зазор бўлиши;
- рул приводидаги деталларда шплинтларнинг йўқлиги;
- бўйлама, кўндаланг тягаларда ва сошкаларда юқори даражада зазорлар;
- шкворнли қўшилмаларда юқори зазорлар рул .
- рычагнинг кийин буралиши ва хоказолар.

Яна автомобилларда 2-муҳим объектлардан бири тормозлаш системасидир. Тормоз системаларининг носозлиги ҳар доим авария ва бахтсиз ҳодисаларни олиб келади.

Агарда автомобильъъ тормоз системаларида қуйидаги камчиликлар бўлса уларни ишга қўйиш рухсат қилинмайди:

- тормоз системаси ишламаса;
- агар педални бир марта босганда тўла тормозланиш бўлмаса, ёки бир неча марта босгандан кейин тўла тормозланса ;
- агар тормоз системаси босгандан кейин, 4т а ғилдираклар ҳам бир вақтда тўхтамаса;

Тормозлар йўл участкасининг қаттиқ қопланган жойларида текширилиши керак. Юк автомобиллари максимал рухсат қилнган массада (8 тоннагача) ва тезликда 30 км/с қийинчиликсиз педални бир марта босганда, 9,5 метрдан кўп бўлмаган йўлни босгандан кейин тўхташи керак.

Бундан ташқари тормоз системасида қуйидаги нуқсонлар бўлиши мумкин:

- ҳаво билан ишловчи тормозларда герметизациянинг бузилиши, бу системада двигательъғ ҳаво ўлчагандан кейин босимнинг тушиши билан аниқланади (босимнинг тушиш 1 соат ичида 100 к Па кўп бўлмаслиги керак).

- пневмо системада манометрнинг носозлиги;

- гидро тормозларда суюқликнинг оқиши;

Юк автомобилларида шиналарнинг протектори ёйилганда, ҳамда шинада ёрилиши ёки очиқ тешиклар бўлса рейсга чиқиш мумкин эмас.

К-700 ва Т-150 К тракторга қўшиб ишлатиладиган прицепларда тормоз системасининг ишламаслиги катта хавф туғдиради, яъни тракторни тормозлаганда тормозланмаган прицеплар сурувчи куч тасирида трактор прицеплари тахланиб қолиши мумкин ва бошқаришни йўқотиши мумкин. Яна бу тракторларда қияликларда двигателни ўчириб қўйиш тақиқланади, чунки гидросистема тормозланиш учун етарли таминлаб бера олмайди. Трактор поездларини комплектлаганда тягач билан прицепнинг ажралишини огохлантирувчи сақлагувчи трос ва занжир бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида катта қувватли тракторлар (К-700, 701, 150) билан юкларни ташишда бир қанча прицепларни қўллаш кенг қўлланилади. Бундан трактор поездлари қуйидаги талабларни қондириши керак:

- прицепларнинг сони тракторнинг тортиш қуввати ва йўл шароитларига қараб аниқлаш керак.

- прицепларни ўзаро улаш сцепкаалари ва тракторга уланиши ишончли бўлиши ва муҳофаза трослари ҳам бўлиши керак.

- тормоз системаларини бошқариш ва кузовни кўтариш механизмлари трактор бошқарувчининг иш жойидан бошқарилиши керак.

Транспорт ишларида энг жавобгарлик ишлардан бири одамларни ташишдир.

Техника хавфсизлиги қоидалари бўйича одамларни трактор тележкаларида, самосвал-автомобилларда ва махсус бортлар билан жиҳозланмаган машиналарда ташиш қатъян ман қилинади. Одамларни доимий ташиш учун ҳар бир хўжаликда махсус автомобиллар бўлиши керак. Кузовда ўтириш учун бортнинг юқори чеккасидан 15 см паст скамейкалар ўрнатилиши керак. Скамейкалар орасидаги масофалар 60 см дан кам бўлмаслиги керак. Охирги скамейкада эса баланд суянгич бўлиши лозим. Агар скамейкалар ён бортларга бўйлама жойлаштирилган бўлса, унда охиргиси кўтарилиши ёки скамейкага спинка қўйиш керак керак. Яна кузов устидан тент ўрнатиш даркор. Одамларни чиқариш ва тушириш учун ташланадиган нарвонча бўлиши керак. Ташиладиган одамларнинг сони кузовдаги ўринлар сонидан кўп бўлмаслиги ва йўл варақасига номини ёзиб қўйилган бўлиши лозим. Одам билан кетаётган автомобилларнинг тезлиги 50 км/ч.дан катта бўлмаслиги керак. Ҳайдовчи юқори квалификацияси ва камида 3 йил шу соҳада узлуксиз стажга эга бўлиши лозим.

Қиш пайтларида музлаган дарёлардан ўтиш қоидаларига қаттиқ риоя қилиш керак. Бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун музнинг қалинлигини шахсан бош инженер текшириши керак.

Музнинг тахминий қалинлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$h = k \cdot \sqrt{Q}$$

бу ерда Q -вес транспорта

K - уч кунда хавонинг t -сини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ғилдиракли транспорт воситалари 10-11 занжирли и 9...10.

Муздан ўтаётганда автомобиль эшиклари очик ҳолда бўлиши, тракторларда эса эшиклар очик ҳолда маҳкамланган бўлиши керак. Ҳаракат тезлиги 3 км/с дан ортик бўлмаслиги лозим. Муз устида тўхташ ман қилинади.

Транспорт жараёнларини ташкил қилувчи қисмларидан бири юкларни юклаш ва тушириш ишларидир. Бу ишлар қишлоқ хўжалигида энг оғир ҳажмли ишларга киради. Қўлда юклаш ва тушириш ишларига ҳавфсизлик қоидалари бўйича инструктаждан ва медицина кўригидан, ҳамда шу ишларни бажариш руҳсатномаси бўлган шахслар қўйилади. Ҳайвонлар ва ҳайвон хом-ашёларидан бўлган юкларни юклаш ва тушириш учун одамлар профилъактик прививкадан ўтишлари лозим.

Юк кўтариш механизмлари билаан боғлиқ бўлган ишларга махсус ўқитилган ва гувоҳномаси бўлган шахслар қўйилади.

Юклаш ва туширишда ҳавфсизликни таҳминлашда майдончани тўғри тайёрлаш ва жойни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Доимий юк қабул қилиш пунктларини (торговқа базқ, элеваторқ) механизация воситалари билан жиҳозлаш муҳим.

Майдонча, склад ва база размерлари максимал загрузка пайтида, транспорт воситалари орасида ҳавфсиз ўлчамларни таҳминлаши керак.

ХУЛОСА

Мамлакатимиздаги мавжуд ер ресурсларини ердан фойдаланувчилар ўртасида тақсимот қилишда ер участкаларини рўйхатга олиш ва ер баҳолаш ишлари муҳим вазифа эканлиги битирув малакавий ишининг бажариш жараёнида аниқланди битирув малакавий ишини объекти бўлган Ўрта Чирчиқ туманидаги “«Истикбол» ” массиви ҳудудида ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси, ер ҳисоби ва рўйхатга олиш ишлари ўтказилди. Энг муҳим бойлигимиз ҳисобланган ер ресурсларимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришни маконий базиси ҳисобланади.

Ер шундай хусусиятга эгаки, ундан тўғри ва оқилона фойдаланилса, у бошқа ишлаб чиқариш воситаларига ўхшаб эскирмайди, аксинча маҳсулдорлиги ошиб боради. Шу нуқтаи назардан ҳам ер ҳисоботини доимий юритиб бориш, унда мавжуд ерлар кимга тегишлилиги, ундан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисида маълумотлар йиғиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу мақсад учун ҳам ер ҳисоби билан бир қаторда тармоқ ҳисобининг объекти бўлиб, маълум бир вазирлик (идора) ихтиёридаги ерлар хизмат қилади. Ушбу ҳисоб турлари ўртасида маълум бир ўзаро узвий алоқа бўлиши зарур.

Ер участкаларини рўйхатлаш солиқ тизимини тартибга солиш, ердан фойдаланишни назорат қилиш ишларини самарадорлигини ошириш иш натижасида аниқланади. Ер ҳисобини юритиш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни объекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир. Тупроқшунослик бўйича узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ерларни баҳолашга оид махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолашда унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер участкалари объекти бўлиб хизмат қилади.

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиш ва ривожланган давлатлар каторига қўшилиши кўп жihatдан қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурсларидан жумладан суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат. Битирув малакавий ишининг мавзуси “«Истикбол» ” массиви ҳудудида ер ҳисобини юритиш ва кадастр рақамларини шакллантириш ишларини бажаришга бағишланган. Бугунга келиб ерларни сифат иқтисодий баҳолашлар айрим соҳаларда зарур барча маълумотларни олиш учун етарли бўлмай қолди. Бунга республикамизда бўлаётган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқиб ёндашув мумкин.

Юқоридагиларга асосан битирув малакавий ишини бажаришда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора–тадбирларига, «Ўздаверлойиҳа» институти Ер кадастри филиали томонидан «Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуги» (1998) дастуридан ва «Йўриқнома»сидан фойдаланилди. Бу услубнинг ўзига хослиги ва олиб бориш, ўтказилиши, ҳисоблаш тартиблари ушбу ишда ёритилган. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки ернинг табиий ва қиймат баҳоси жуда кенг миқёсда қўлланилади. Биз битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиқиб, асосан пахтачилик соҳасида пай жамғармасини шакллантириш учун хўжалик ерларинг қиймат баҳосини аниқладик.

Ушбу битирув малакавий ишининг объекти бўлган Ўрта Чирчиқ туманидаги “«Истикбол» ” массиви ҳудуди мисолида бажарилган ҳисоб-китоблар ва чизма ишларининг натижасида қуйидагилар аниқланди:

- массивнинг жами майдони ва ер турлари бўйича ер ҳисоби ишлари бажарилганда амалдаги ҳолатга нисбатан ер турлари майдонида қуйидаги тафовутлар мавжудлиги қайд этилади;

- массив худудида жойлашган барча ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини рўйхатга олиш натижалари бўйича уларга берилган кадастр рақамларини шакллантирилди. Жумладан, томорқа участкалари, ташкилот, корхона, муассасалар, фермер ва массив бўйича ҳар бир ер участкасига Низомга асосан кадастр рақамлари берилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонуни). Т.: Ўзбекистон, 1999
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари 19 сон, Т.:Адолат,1998
3. Ўзбекистон Республикаси қорхона ва ташкилотларидаги қишлоқ хўжалик ерларида қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турлари майдонларини инструментал ўлчови бўйича кўрсатмаси. Т.: 2001
4. Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини жорий қилиш тўғрисида. 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли Вазирлар Маҳкамаси Қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари 19 сон, Т.:Адолат,1998
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан қолсин эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000
7. Бобожонов А.Р, Денисов В.В, Рахимов Э.Р. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Т.: 1992
8. Временные указания по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов. РД-34-0212-00. Ташкент, 2002-22 стр.
9. Ер ва қонун. Усмонов М.Б. Адолат, 1994 йил.
10. Ер қонунчилигини бузганлиги учун Ер ресурслари давлат қўмитаси органлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортишга оид вақтинчалик йўриқнома. 1999 йил 11 майдаги Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.
11. Ер муносабатларини тартибга солиш. Ҳаёт ва қонун. № 1, Аюбов У.Т. 1999 й
12. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1 –жилд. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Т.:2000

13. Ер хукуки. Нигматов А. Тошкент ислом университети. 2001 й.
14. Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш тўғрисида. 1994 йил 24 ноябрдаги Президент Фармони.
15. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меърий ҳужжатлар тўплами. Том-I. «Шарқ» нашриёти матбаа концерни бош тахририяти. Тошкент, 1998, -416 бет.
16. Қурбонов Э.Қ, Бобожонов А.Р, Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТТЕСТ, 1999
17. Методические Рекомендации о порядке проведения работ по перераспределению земельного фонда реорганизуемых сельскохозяйственных предприятий в фермерские хозяйства. Ташкент, 2002, -8 стр.
18. Система земельно-кадастровой информации. Учебное пособие. А.С.Чертовичский. Ташкент, 1989, -76 стр.
19. Туман (шаҳар) ер кадастри қитобини юритиш бўйича кўрсатма. РХ-13-020-00. Тошкент, 2000, -30 бет.

Интернет сайтлари

www.kadastr.uz

www.gkz.uz

www.uz

www.ziyonet.uz

www.geodez.ru

www.kadastr.ru

ИЛОВАЛАР